

## ФАЛСАФИЙ-ИРФОНИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ (МАВЛОНО ЖОМИЙ АСАРЛАРИ АСОСИДА)

*Ахатов Лутфилло Караматиллоевич, Чирчиқ давлат  
педагогика университети*

## МЕСТО ФИЛОСОФСКО-МИСТИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ В ОБЩЕСТВЕ (ПО ТРУДАМ МАВЛАНО ДЖАМИ)

*Ахатов Лутфилло Караматиллоевич, Чирчицкий  
государственный педагогический университет*

<https://orcid.org/0000-0002-9804-6220>

*e-mail: [l axatov@cspi.uz](mailto:axatov@cspi.uz)*

## PHILOSOPHICAL AND MYSTICAL VIEWS PLACE IN COMMUNITY LIFE (BASED ON MAVLANO JOMIY'S WORKS)

*Akhatov Lutfillo Karamatilloevich, Chirchik State Pedagogical  
University*

**Аннотация:** Фалсафий-ирфоний қарашлар моҳияти сўфийлар ҳаёти ва тасаввуфий қарашлар ёрдамида таҳлил қилинган. Тасаввуфнинг ривожланиши сўфийлар ахлоқи ва фалсафий мушоҳадалари иррационал ёндашуви асосида татбиқ қилинади.

**Калит сўзлар:** ахлоқ, тасаввуф (араб.: *التَّصَوُّفُ*), сўфий, илм, ислом, идрок, ирфон, фалсафа.

**Abstract:** The essence of philosophical and Irfan views was analyzed with the help of Sufi life and mystical views. The development of Sufism is based on an irrational approach to the philosophical understanding of Sufi ethics.

**Key words:** ethics, *Taşawwuf* (Arabic: *التَّصَوُّفُ*), Sufi, science, Islam, perception-mentally, Irfan, philosophy.

**Аннотация:** Сущность философско-просветительских взглядов анализировалась с помощью суфийского быта и мистических воззрений. Развитие суфизма основано на иррациональном подходе к философскому осмыслению суфийской этики.

**Ключевые слова:** этика, суфизм (араб.: *التَّصَوُّفُ*), суфий, наука, ислам, восприятие-мысленно, ирфан, философия.

**КИРИШ.** Фалсафий-ирфоний қарашларнинг муҳим аспекти бўлиб хизмат қилувчи, тасаввуф-сўфийликнинг ўзига хослиги, маълум маънода, шахснинг юсак ахлоқ эгаси бўлишга ва комилликка хос сифатлар билан безанишига ундовчи “дастур” сифатида қаралади.

Шунинг учун “Сўфизм ўрта асрлар жамоасида махсус ижтимоий-мафкуравий ва онтологик хусусиятга эга бўлган ўзигагина хос назарий тизим бўлгани учун, кейинги ўн

йилликларда шарқшунос, исломшунос, файласуф, адабиётшунос ва тарихчиларнинг диққат марказига кўчди ва салмоқли илмий изланишларга чорламоқда” [2; 7-Б] деб эътироф қилинган.

**ТАҲЛИЛ ВА МЕТОДЛАР.** Маълумки, Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг фалсафий-ирфоний қарашлари – нақшбандия-тасаввуфга оид асарлари орқали кўплаб маълумотлар берилган. “Мавлоно Жомийнинг яна бир қатор тасаввуфий-ирфоний асарлари ҳам борки,

уларни ўрганмасдан туриб, нақшбандия тарикатининг фалсафий-ирфоний ва илмий-назарий асослари ва умуман, тасаввуф фалсафасининг 700 йиллик (2008 йилги маълумот) тажрибаларини ўрганиш ва бу ҳақда мукамал тасаввурга эга бўлиш мушкул” саналади[6;293-296].

Биз Абдурахмон Жомий илмий меросида талқин этилган нақшбандия-тасаввуфга оид маълумотларнинг агиографик жиҳатларини ҳам ҳисобга олишимиз лозим[5-8;1-4].

Ирфон илми Шарқ минтақаси мусулмон халқларининг маънавий ҳаёти тарихида муҳим позиция эгаллаб келмоқда. Шунинг учун ирфон илми ўрта асрларда минтақа-жамиятда асосий-махсус мафкуравий-ижтимоий, гносеологик статусдаги таълимот сифатида ўзига хос нақлий-назарий йўналиш сифатида сўнгги ўн йилликларда исломшунослар, файласуфлар, адабиётшунослар, шарқшунослар, маданиятшунослар ва тарихчилар ўртасида юксак илмий қизиқишни шакллантириб келмоқда.

#### **НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА.**

Фалсафий-ирфоний қарашлар орқали мутасаввуфлар орасидан ўзларидан форс, араб, турк ва бирқанча тилларда кўплаб фалсафий, бадиий, метафизик-илоҳиётга оид асарлар бунёд этган аллома шоир ва ёзувчилар, донишманд-мутафаккирлар етишиб чиққанлигини кўрамиз. Фалсафий-ирфоний қарашларнинг субстанционал аҳамияти ўлароқ, тасаввуф Яқин ва Ўрта Шарқ минтақа халқлари маданиятида энг кўп шаклланган ва тарқалган ҳаракат-оқимлардан бири саналади. Ислом олами халқларининг фалсафий-ирфоний фикрини ўрганишда сўфизм-тасаввуф тўғрисидаги илм долзарб аҳамиятга моликдир. Тасаввуфни ўрганишда шубҳасиз Абдурахмон Жомийни аввало биз шоир сифатида, сўнгра эса ҳикмат илмининг “пири” деб кўришимиз керак. Мавлоно Жомий ёзган маънавий-илмий меросларнинг илк тадқиқотчи ва мунаққидлари сифатида Навоий ва Лорий (Абдулғафур Лорий)дан бошлаб, бугунги кун жомийшунос тадқиқотчи-олимларгача ушбу масалага кўпинча рўйхатлаш ва тавсифлаш йўли билан кириб бориб, аниқ бир дастур-тизимга жамлашни унчалик муҳим ҳисобламай кўйганлар.

Жомийнинг “Шавоҳид ун-нубувват” номли асарларида “Пайғамбар (Муҳаммад) саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилган вақт (йил Л.Ахатов) ўн тўртинчи сана (йил) кечасида Пайғамбар (Муҳаммад) саллаллоҳу алайҳи васаллам уйлари (эшиклари) атрофида Қурайш кофирлари у кишини (Пайғамбар Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламни) ўлдириш учун шайланган эди. Шу кечада хуфтон маҳалда, қавм (Қурайш кофирлари) эшик олдида келдилар ва уйкуга ухлашларини кутиб турардилар. Шу кечада Ё сийн (يسن) сураси илк (аввал) қисми нозил бўлди.

Расул, саллаллоҳу алайҳи ва саллам, муште хок гирифт ва берун омад ва ояти хондан...  
وجعلنا من بين ايديهم سددن و من خلفهم سدد [7; 1-4].

Яъни: Дар пеши рўи онон ва пушти сари онон пардае қарор додем ва (Ё син сурасининг ояти) таржима – Уларнинг (кўз) олдиларига ва орқа (бошлари) томон(и)да парда (билан) тўсдик (Ёсин сурасининг ояти) маъносида...

Таржима: Шунда, Пайғамбар Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳовуч хок-тупроқ (чанг) олиб (Қуръондаги сура (يسن) дан) ушбу оятни ўқидилар...  
وجعلنا من بين ايديهم سددن و من خلفهم سدد

...Муҳаммадро надидед ва он чи бо шумо кард низ. Ҳама бархостанд ва хок аз сару рўй меафшонданд.

Таржима: Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламни кўрмадилар. Ҳаммалари туриб, уст-бошларини (турпоқ-чангдан) тозаладилар.

Жомий ўз асарларида келтирилган маълумотларни (фалсафий-ирфоний қарашларни) Исломдаги (Қуръондаги) аниқ далилларга таяниб, маълумотларни компаративистик тадқиқ қилган. Шунингдек, Савр – Маккадаги Масжид ал-ҳарамнинг жанубий томонидан тахминан 6 (олти) километрда жойлашган ушбу тоғ (ғор)да ҳижрат вақтида Пайғамбар (Муҳаммад) саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Абубакр Сиддик билан уч кеча (яъни 622 йил 13 дан 15 сентябргача) бўлганлари эътироф этилади[6;293-296]. Таржима: Ва ушбу жумлада шундай сўз (гап) борки, ушбу кеча Пайғамбар Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам Абубакр Сиддик билан Савр ғорига етиб келдилар. Абубакр (Сиддик) айтди(лар): Ё Расулаллоҳ (саллаллоҳу

алайҳи васаллам) олдин ман кирай, сизга газанда (зарар берувчи)дан зиён етмасин учун...

**ХУЛОСА.** Жомий “Ваҳдат ул-вужуд” назарияси асосида ҳам ижод қилган, деган фикр мавжуд.

*Ҳасрати ки ҳақиқати Ҳақ омад, ал-ҳақ  
Не онки бувад ба Ҳақ музофу мулҳақ.  
Қавме ба таъайюнаш муқайяд доранд,  
Қавми дигар аз қайди таъайюн мутлақ*  
[8;100-Б].

Мазмуни: Борлиқ Ҳаққа қўшилган нарса эмас, балки унинг ҳақиқатидир.

Баъзилар уни “таъайюн”га боғлиқ деб биладилар, баъзилар эса “таъайюн”га ҳеч қандай дахли йўқ, деб тушунадилар.

Ҳикмат шуки, фалсафий-ирфоний қарашлар моҳияти бу – тафаккур тараққиётининг илмий-гносеологик таҳлилининг ядросидир.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Тошкент. Шарк, 2012. – Б. 135.
2. Пўлатов Ҳ., Маматов М. Тасаввуф тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2011. – Б. 7.
3. Жомий. Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ал-кудс. – Т.: 1913. – Б. 27.

4. از حکمت های امیر خسرو دهلوی ترتیب دهنده و مترجم شاه اسلام شاه محمداف تاشکند اداره نشریات یاش گوار دیا – 1973 سهیغه

5. Агиография – грек: hakis – муқаддас ва graphe – ёзмоқ, ёзаман, деган маъноларни ифодалайди. Бу термин (ибора) теологик асарлардан маълум шахс, зотни улуғлаш ҳамда бошқаларга ўхшамаган маънавий қиёфасини ёритиш учун ишлатилади.

6. Akhatov Lutfillo Karamatilloevich. Tolerance and Islamic mysticism in the works of Jami. Novateur publications JournalNX- A Multidisciplinary Peer ISS NR eNvoie: wed Journal VOLUME 6, ISSUE 5 2, 5M8a1y – 24203200. Pp 293-296.

7. Akhatov Lutfillo, Madalimov, Timur and Haytmetov Raimberdi. The Spiritual Connection of Sufism and Tolerance in the Works of Jami, International Journal of Multidisciplinary Research and Publications (IJMRAP), Volume 2, Issue 11, pp. 1-4, 2020.

8. Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 100; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти Кўлғезмалар хазинаси, PN 1331 рақамли кўлғезма. – Б.598.

